



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2021 йил 24 декабрь, № 275 (8055)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОНДА ВИРТУАЛ ВА

ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти лавозимига киришган илк кунларданок халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойилни илгари суриб келмоқда.

Сўнги беш йил давомида бу элпарвар тамойил давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. 2016 йил 28 декабрь куни давлатимиз раҳбарининг жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашга оид Фармони қабул қилинган эди. Ушбу ҳужжатта мувофиқ ташкил этилган Ўзбекистон Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқаролар билан мутасадди идораларни боғловчи тизимга айланди.

Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан аҳоли муносабатларини қабул қилиш бўйича Виртуал ва Халқ қабулхоналари тизими фаолияти халқро кенг жамоатчилик вакиллари томонидан ҳам эътироф этилмоқда ва қўллаб-қувватланяпти.



лантиришга алоҳида эътибор қаратганига бутун дунё ҳамжамияти гувоҳ бўлмоқда.

Ўзбекистон Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш ҳамда баҳолаш мезонига айланди. Ушбу ноб тизим, ўз навбатида, давлат раҳбари томонидан илгари сурилатган "Инсон

қадрлари учун" тамойилига тўла мос келади.

Жаҳонда муқобили йўқ ушбу механизм туфайли мамлакатда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги жавобгарлигини, фуқароларга кўрсатилаётган ёрдамнинг мақсадли ҳамда манзиллилик самарадорлигини оширишга муваффақ бўлинди.

Тизим аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам хизмат қилмоқда. Мазкур фикримни шу йил 24 октябрь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови якуни яққол тасдиқлайди.

Мен Президент сайловида халқро кузатувчи сифатида иштирок этдим. Ўзбекистон халқининг ўз демократик сайлов ҳуқуқларидан қандай фойдаланаётгани менда катта таассурот қолдирди. Фуқаролар билан суҳбатлашганимда, уларнинг барчаси мамлакатда Шавкат Мирзиёев томонидан амалга оширилаётган ислохотлар самараларини эътироф этди. Жумладан, улар халқ билан доимий мулоқот тизимига айланган — Виртуал ва Халқ қабулхоналари фаолияти қисқа даврда аҳолининг энг яқин кўмакчисига айланганини таъкидлади.

Ўзбекистон аҳолисининг иқтисодий фаровонлиги кейинги йилларда сезиларли даражада ошди. Бундан кейин ҳам одамларнинг яшаш шароитлари янада юксалишига ишончимиз комил.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқига ўзининг энг эзгу тилакларини билдириш баробарида, кириб келаятган Янги йил байрами билан самимий муборакбод этаман.

Фариша Шам, Малайзия Миллий университети Ислом цивилизацияси институти директори:


— Жорий йилнинг октябрь ойида Ўзбекистонда бўлиб, мамлакатда амалга оширилаётган ўзгаришлар билан бевоқиф танишиш имкониятига эга бўлдим. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, республикадаги янгиликлар жараёни менда жуда катта таассурот қолдирди.



Республика Кенгаши йиғилиши

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТОР ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ЯХШИЛАНДИ

Кеча Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши раиси Танзила Норбоева олиб борди. Видеоконференцада тарзда ўтказилган йиғилишда Кенгаши аъзолари, вазирлик ва идоралар мутасаддилари иштирок этди. Қайд этилганидек, 2021 йилда Ўзбекистон

учун устувор ҳисобланган Статистик салоҳият индекси, Жаҳон мамлакатлари демократияси индекси, Ҳуқуқ устуворлиги индекси, Рақобатбардор саноат унвдорлиги индекси, Глобал инновацион индекс, Бошқарув сифати индикаторлари каби бир қатор халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланди.



Қонун лойиҳаси — муҳокамада

ЭЪТИРОЗЛАРГА САБАБ БЎЛГАН НОРМАЛАР ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан навбатдаги ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳасидаги нормалар обдан муҳокама қилинди.



Таъкидлаш жоизки, ушбу ҳужжат иккинчи ўқишга тайёрланмоқда. Қонун лойиҳаси билан капитал бозорига эмиссия қилинган қимматли қоғозлар савдо натижалари бўйича амалга оширилаётган ҳисоб-китоблар битта ташкилот доирасида амалга оширилади, хорижий марказий депозитарийлар ва халқаро ҳисоб-китоб депозитарийлари билан Ўзбекистон капитал бозори иштирокчиларининг ҳисоб-китоб операциялари бўйича тўғридан-тўғри алоқаси ўрнатилди.

Шу билан бирга, давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгаши, ички аудит хизмати, кузатув кенгаши таркибида аудит қўмитаси ташкил этилиши, мамлакат иқтисодиёти учун устувор аҳамиятга эга бўлган стратегик соҳаларга оид айрим акциядорлик жамиятларини бошқаришда давлат иштирокчининг махсус ҳуқуқи (олтин акция) бекор қилиниши, ижро этувчи орган

ва кузатув кенгаши аъзолари ваколатларини бир йилдан уч йилгача узайтириш, давлат иштирокидаги корхона акциялари (улушлари)нинг камиди 5 фоизга эгалик қилувчи акциядорлар (иштирокчилар)га асослар бўлган тақдирда, корхона молия-ҳўжалик фаолиятини корхона ҳисобидан наватдан ташқари ташқи аудитдан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ишчи гуруҳи йиғилишида қонун лойиҳасини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар, эътирозлар билдирилган моддалар атрофлича муҳокама қилинди. Айрим моддалар маромига етказилди, айримлари лойиҳадан чиқарилди.

Қўмитада қонун лойиҳасини такомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

«Халқ сўзи».

Нуктаи назар

ИЗЧИЛЛИК ФАЛСАФАСИ

Янги Ўзбекистоннинг ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — ИСЛОХОТЛАРНИНГ ХАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИ



Шарқ донишмандлари айтганидек, "Янгиликлар шамоли эсаётганда кимдир бошпана курса, бошқалар шамол тегирмони ясашади". Шу иборани замонавий Ўзбекистонга татбиқ этсак, мамлакатимиздаги ана шундай кучли тўлқин бор бўйича яратувчанлик фаолиятига йўналтирилди ҳамда у давлатнинг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётини тубдан ўзгартирди, деб бемалол айта оламиз.

Президент Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган табригида Янги Ўзбекистондаги ислохотлар энди ҳеч қачон ортга қайтмаслигини, янги давлат қуриш гоёси эса эл-юртимизнинг улкан интилиш ва иродаси билан умумхалқ ҳаракатига айланаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, орадан йиллар, асрлар ўтади, лекин гоёт қийин ва мураккаб, оғир синовли йилларда Янги Ўзбекистонни бунёд этишга муносиб ҳисса кўшган инсонларни келгуси авлодлар миннатдорлик билан эслайди.

Бундай теран мазмунли фикрни ёдда сақлаш ва унинг атрофида чуқур мушоҳада юритиш жуда муҳим. Айнан ҳозир биз яшаб турган давр негашунчалик ўзига хос, деф Ҳисобланмоқда? Ислохотларга ҳисса кўшиш ва чинакамига муносиб бўлиш учун яна нималар қилишимиз керак?



ОЛМАЛИҚДАГИ МЕГАЛОЙИҲА

яқин истиқболда нафақат ушбу шаҳар, балки бутун мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшади

Давлатимиз раҳбари куни кеча Тошкент вилоятининг Олмалик шаҳрида амалга оширилаётган йирик саноат лойиҳалари ва ижтимоий соҳа фаолияти билан танишиш, шунингдек, аҳоли вакиллари билан ўзаро мулоқот асосида қатор таклиф ва гоёларни илгари сурди.

Муносабат

Уларнинг ҳар бири нафақат Олмалик, балки бутун мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга экани би-

лан алоҳида ажралиб туради. Жумладан, Олмалик кон-металлургия комбинатида рўёбга чиқарилаётган янги лойиҳалар билан танишиш чоғида билдирилган таклифлар ҳам жуда қимматли бўлди.

Эътиборлиси, юртимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 7 фоизи, экспорт ҳажмининг 15 фоизи айнан мазкур корхона улушига тўғри келади. Шу маънода, унинг фаолиятини янада кенгайтириш ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, иш ўринлари яратиш ҳамда одамларнинг турмуш даражасини кўтартиришга хизмат қилишни айтиш зарур. Шу боис ҳам корхонада илм ва технологияларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб боришида намён бўляпти.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 19 ноябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда маъқулланган

1-модда. 20 август Тадбиркорлар куни этиб белгилансин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 23 декабрь № ЎРҚ—739

Бирдамлик

АФГОНИСТОНГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

2021 йилнинг 23 декабрь куни Мозори-Шариф шаҳрида Ўзбекистон Республикаси томонидан Афғонистонга етказилган инсонпарварлик юкларини топшириш маросими бўлиб ўтди.



Ун, гуруч, шакар ва бошқа озиқ-овқатлар, биринчи навбатдаги зарурий товарлар, кийим-кечаклар, тўқимачилик маҳсулотлари, умумий оғирлиги 4 минг тоннадан зиёд кўмир ёқилғисидан иборат ушбу инсонпарварлик ёрдами ўзбек халқининг Афғонистонга навбатдаги туҳфаси бўлди. Бу ҳақда Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги матбуот хизмати хабар қилмоқда.

Маросимда сўзга чиққан Афғонистон Муваққат ҳукумати ташқи ишлар вазири ўринбосари Шер Аббос Станикзай мамлакат учун оғир давларда кўрсатилаётган доимий эътибор, қўллаб-қувватлаш ва бирдамлик учун Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга бутун Афғонистон халқи номидан чуқур миннатдорлик билдирди.



ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚАТОР ИНДЕКСЛАРДАГИ ЎРНИ ЯХШИЛАНДИ

Хусусан, Жаҳон банкнинг Статистик салохият индексида Ўзбекистон 2020 йилда 16 поғонага кўтарилди, 146 та мамлакат орасида 61-ўринни эгаллади.

Жаҳон одил судлов лойиҳаси ташкилотидан эълон қилинган Хуқуқ устуворлиги индексининг 2021 йилги нашрида Ўзбекистон 14 поғона кўтарилган. Ўзбекистон учун берилган баҳолаш 4,1 фоизга ошди, бу борада энг яхши натижа кўрсатган 3 та давлатдан бирига айланди.

Глобал инновацион индексда Ўзбекистон 2021 йилда ўтган йилдагига нисбатан 7 та поғонага кўтарилди, 132 та давлат орасида 86 ўринни эгаллади ва энг кўп юқоридаги мамлакатлар Top-10 талигига кирди.

Пандемия даврида республикамиз аҳолисининг иқтимоий ҳимояга мўтқоз қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тизими яратилиши, жамиятда фаол фуқаролик ташаббусларининг кўрсатилиши Жаҳон хайрия индексидега Ўзбекистон 114 та мамлакат орасида 2018 йилдаги

53-ўридан 2021 йилда 29-ўринга кўтарилди, Top-30 таликка кирди.

Умуман олганда, сўнгги беш йилда мамлакатимизда инвестиция ва бизнес муҳитини яхшилаш, тадбиркорликни ривожлантириш, фискал ва ташқи хатарларни каймайтириш бўйича олиб борилган ислохотлар туфайли иқтимоий-иқтисодий соҳага оид халқаро рейтингларда 156 та мамлакат ичида Ўзбекистон 88-ўринни банд қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режасининг III қоракдаги ижроси кўриб чиқилди.

Унда иқтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳалар оид халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самардорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (KPI) эришилганда юзага келаятган тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари муҳокама қилинди.

Хусусан, мамлакатимизда ҳуқуқ устуворлиги ва суд мустақиллигини таъминлаш,

бизнес юритиш учун қўлай ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш ва инвесторларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, инновацион ишланмаларни рағбатлантириш, юқори технологиялар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, статистика тизимини такомиллаштириш борадида йўл қўйилган айрим камчиликлар санаб ўтилди.

Шунингдек, юртимизнинг сиёсий-ҳуқуқий соҳадаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнига ижобий таъсир кўрсатуви халқаро шартномаларга қўшилиш масаласи кўриб чиқилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг иқтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий соҳага оид устувор халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш бўйича 2022 йилга мўлжалланган ташкилий чора-тадбирлар режаси лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда мамлакатимизда юзага келаятган тизимли муаммоларга эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш мақсадида Бизнес-индикатор натижалари

юзасидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раҳбарлари маҳаллий Кенгаши раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш, ҳудудда бизнес муҳитини янада яхшилаш чораларини қўриб бориш тавсия қилинди.

Тадбир якунида мамлакатимизда иқтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий-ҳуқуқий соҳалардаги тармоқларни баҳолаш мақсадида миллий рейтинг тизимини ишлаб чиқиш, ушбу жараёнга илмий доира вакиллари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, кенг жамоатчиликни жалб қилиш ташкил этилди.

Йиғилишда масъул вазирлик ва идора-лар ахбороти аштилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва белгиланган вазифалар ижроси юзасидан республика Кенгашига тегишли тақлифлар киритилиши зарурлиги айтиildi.

**Олий Мажлис Сенати Ахборот хизмати матбуотлари асосида
З. ХУДОЙШУКУРОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Парламент назорати

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ҳамда «Йўл харитаси»нинг тегишли бандлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ТИЗИМИДАГИ
МАСАЛАЛАР ҚАЧОН
БАРТАРАФ ҚИЛИНАДИ?

Ахборотда келтирилганидек, кейинги пайтда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қўнучли ва ташкилий-ҳуқуқий базисини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларни миллий қўнучликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш, шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масаласи халқимиз учун фаровон ва муносиб турмуш шaroитини яратиш беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезонига айланган бўлмоқда. Ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли ислохотлар инсонлар ҳаётини, дунёқарашини ҳамда турмуш тарзини ўзгартирмоқда.

Давлат ва жамият тараққиёти, халқ фаровонлигини таъминлашда соғлиқни сақлаш соҳаси ҳам ҳал қилувчи ўрин тутди. Бугунги кунда юртимизда тиббий соҳаси, энинг фаолият мазмунини тубдан ўзгартирмоқда. Унг аввало, бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш сифати ва самардорлиги, соғлом турмуш тарзи янги босқичга қўтарилди. Кўп тармоқли поликлиника ва шифоналарнинг моддий-техника базиси, кадрлар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг барча даражадаги тиббий хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш, аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш кўлайлигини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш, барвақт аниқлаш ва даволашни яхшилаш борадида амалга оширилган изчил ислохотлар натижасини бүгун одамлар ўз ҳаётини ҳис қилиб турибди. Зотан, халқ тиббий соҳасига қанчалик ишонса, давлатга ҳам шунчалик ишонади.

Бугун юртимизда аҳоли саломатлигини сақлаш борадида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самарасидан нафақат шахар ва туман марказлари, балки чечка ҳамда олис қишлоқлар аҳолиси ҳам бирдек баҳраманд бўлмоқда. Айниқса, маалаки тиббий хизматнинг бевосита хонадонларга кириб бораётгани оилаларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, юртдошларимиз саломатлигини таъминлашга хизмат қилаётди.

Шу билан бирга, аҳоли соғлигини сақлаш тизимини янада қўллаш масалалари, салбий ҳолатлар тақридан қўлқолда. Муҳокамалар давомида депутатлар соғлиқни сақлаш тизимининг намунали хизмат натижасида аҳолининг санитария-тиббий маданияти, турмуш тарзи янада юксалтиришни эътироф этган ҳолда, бу борада айрим муаммо ва камчиликлар учраётганини таъкидлади.

Қайд этилдики, аҳолини ҳавфсиз, самарали ва арзон дори-дармон воситалари билан таъминлашда қатор муаммолар мавжуд. Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тизимининг энг муҳим вазифаси, деб эътироф этилишига қарамай, бугунги кунда оналар ва болалар ўртасида кузатилаётган ўлим ҳолатлари соҳада жиддий ўзгаришларни талаб қилади.

Депутатлар соҳада учраётган муаммоларни ўртага ташлар экан, уларнинг ечимини бўйича ўз вақтида аниқ чора-тадбирлар қўрилиши лозимлигини билдирди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»нинг ижросида Омбудсман институтининг роли ҳам ошиб бормоқда. Йиғилишда, шунингдек, Ассосий Қўнунимиз билан кафолатланган ҳар бир фуқаронинг ўз саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқларидан фойдаланиш ҳолати, давлат дастурининг ижроси бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳам ахбороти тингланди.

Йиғилиш якунида кун тартибидеги масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»)**

ОЛМАЛИҚДАГИ МЕГАЛОЙИҲА

яқин истиқболда нафақат ушбу шаҳар, балки бутун мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшади

Албатта, комбинат фаолиятини ривожлантиришда Президентимизнинг 2017 йил 1 мартдаги қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Айни пайтда ушбу қарор асосида корхонада «Ёшлик-1» қонини ўзлаштириш бўйича 5 миллиард 122 миллион долларлик мегалолийа рўёбга чиқарилди. Кон ҳудуди 11 минг гектар бўлиб, шунга яраша катта захираларга эга. Бу ерда олтин, мис, кумуш, молибден ва селен каби қимматли ва нодир металллар бор.

Табиий-ки, уларни қайта ишлаш, сал илгарироқ айтилганидек, илм-фан ютуқлари ва замонавий технологиялар ҳамда янги лойиҳаларни ҳаётга йўналтиришни талаб этди. Ҳозир комбинатда шу мақсадда 3-мис бойитиш фабрикаси қурилмоқда.

Мамлакат етакчисини ушбу лойиҳа билан танишаркан, жумладан, шундай деди: «Бу кон — катализатор. Уни самарали ўзлаштириш билан бирга, кичик конлар бўйича ҳам янги йўналиш қилиш керак. Бу ҳам қўшимча иш ўринлари, катта экспорт, дегани».

Аҳамиятли томони шундаки, мазкур лойиҳа доирасида оҳак заводи, 650 мегаваттлик электр тармоғи ва бошқа инфра-тузилма объектларини қуриш ҳам кўзда тутилган. Бунинг натижасида яна 6 минг кили доимий иш жойига эга бўлади.

Бундай улкан лойиҳани муваффақиятли тарзда рўёбга чиқариш учун эса ҳозирдан бошлаб ишни пухта-пишиқ ташкил этиш зарур. Шу сабабли давлат раҳбари мазкур комбинат ўзини ўзи муқобил электр энергияси билан тўлиқ таъминлаш зарурлигини айтди. Негаки, ҳозирги даврда электр энергияси масаласини узиш-кесил ҳал қилмай туриб, катта ютуқларни эриштиш мумкин. Комбинат муваффақиятини белгилайдиган яна бир омил эса, шубҳасиз, ҳар тарафлама етук

кадрлар. Шундан келиб чиқиб, Юртбошини томонидан ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотлар ва мақсадли аспирантурани кенгайтириш, Тошкент давлат техника университети Олмалик филиали салоҳиятини янада ошириш юзасидан зарур топшириқлар берилди.

Ташриф чоғида билдирилган тақлифлар ва берилган топшириқлар ҳаётга тўла татбиқ этилган, сўз юртилаётган корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати бундан-да ошади аниқ. Пировардига бу Ўзбекистонимизнинг ривожига сезиларли даражада туртки беради. Демак, барча масъуллар қаторида, биз, сенаторлар ҳам лойиҳа рўёби йўлида фаоллик кўрсатишимиз талаб қилинади.

**Эркин ГАДОВЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси.**

БЮДЖЕТ ОЧИҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛЯПТИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан «Давлат бюджетини ҳаражатлари шаффофлиги ҳамда бюджет барқарорлигини таъминлашга қаратилган бюджет қондаларини жорий этиш» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар

Унда Қонунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги ходимлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда юртимизда бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2019 йилдан бошлаб жамоатчилик ихтиёрига «Фуқаролар учун бюджет» ахборот наشري тақдим этиб келинмоқда. Давлат бюджетини ҳамда давлат мақсадли жамғармаларининг даромад ва ҳаражатлари ижроси ва шу каби бошқа маълумотларни юзидан муҳассамалаган «Очқ бюджет» ахборот портали ишга туширилди.

Бу, ўз навбатида, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, солиқ ва бюджет сиегатининг асосий йўналишлари лойиҳалари, Давлат бюджетини таъминлаш қонун лойиҳаси, ўрта муқаддими давр учун фискал стратегия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин жамоатчилик муҳокамаси учун маъсу порталга жойлаштирилмоқда.

Шаффофлик ва очиклигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самардорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Тадбирда бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ЎЗБЕКИСТОНДА ВОРТУАЛ ВА ХАЛҚ ҚАБУЛҲОНАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР УЧУН НАМУНА БЎЛА ОЛАДИ

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, одамлар билан мулоқот қилиш, уларнинг ҳаётини муаммо ҳамда эҳтиёжларини атрофда ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Президентининг виртуал ва Халқ қабулхоналарини ташкил этиши, шубҳасиз, давлат раҳбарининг асосий ислохотларидан биридир.

Натижалар шунини кўрсатмоқдаки, ўтган вақт мобайнида ушбу тузилмалар давлат ҳокимияти ва бошқаруви самардорлигини, жойлардаги муаммоларни чўқур таҳлил қилиш механизми ва улпар фаолиятини баҳолаш, давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги масъулиятини ошириш мезонига айланди.

Энг муҳими, бугунги кунда Халқ қабулхоналари мамлакат фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолати сифатида Президент ваколатларини амалга ошириш учун давлат ҳокимияти барча тармоғининг ўзаро мувофиқлаштирилган ҳамкорлигини таъминлашнинг самарали ва қудратли воситасига айланди.

Давлат органлари ва аҳоли ўртасида стратегик алоқанинг самарали тизими мавжудлиги демократик қонун устуворлигининг асосий кўрсаткичи, шунингдек, давлат ҳамда жамиятнинг барқарор ва изчил ривожланишини таъминлашнинг муҳим шартини, деб ҳисоблайман.

**Тарас Козуб,
Украинанин «Вести»
газетаси бош муҳаррири
ўринбосари:**

— Жорий йил Ўзбекистонда бўлдим, бу мамлакатнингизга иккинчи марта

моддалар билан тўлдирилди. Бюджет ва Маъмурий кодексларга тегишли ўзгаришлар киритилди.

Семинарда қайд этилганидек, 2020 йилдан бошлаб Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари қонун билан тасдиқланмоқда. Давлат бюджетини таъминлаш қонун лойиҳаси, ўрта муқаддими давр учун фискал стратегия Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юборилишидан олдин жамоатчилик муҳокамаси учун маъсу порталга жойлаштирилмоқда.

Шаффофлик ва очиклигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар натижасида жамоатчилик назоратини кучайтиришга, бу орқали давлат органлари фаолиятининг самардорлигини оширишга ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишга эришилмоқда.

Тадбирда бюджет маълумотларининг очиклиги ва шаффофлигини янада ошириш, бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди.

«Халқ сўзи».

ИЛМ-ФАН ЮТУҚЛАРИ
САНОАТ РИВОЖИНИ
ЖАДАЛЛАШТИРАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан республикамиз иқтисодий ривожлантириш, аҳолини иқтимоий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, санаят ва ишлаб чиқаришда янги технологияларни жорий этиш асосида мақсулотларнинг рақобатбардорлигини таъминлаш, мамлакатимизни мутараққий давлатлар қаторига қўйиш борадида кенг кўламли ишлар олиб боришмоқда.

Мулоҳаза

Давлатимиз раҳбари кунни кеча Олмалик кон-металлургия комбинатига ташриф буюриб, янги лойиҳалар билан танишгани беҳис эмас. Ҳозирги кунда металлургия санаятини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Чунки республикамиз улкан санаят ва минерал хом ашё, табиий бойлик захираларига эга. Ўзбекистон ҳудудида тахминан юздан ортқ минерал хом ашёни ўз ичига олган, олтин, уран, мис, табиий газ, вольфрам, калий тузи, фосфоритлар, каолин каби фойдали казилмалар захираси бўйича нафақат МДХ мамлакатлари ўртасида, балки бутун дунёда етакчи ўринларни эгаллайди. Жумладан, мамлакатимиз олтин захираси бўйича дунёда туртинчи, уни қазиб олиш бўйича еттинчи, мис захираси бўйича ўнинчи-ўн биринчи ўринларни банд этгани қувонарли ҳолдир.

Охириги беш йилда мамлакатда мис ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5 баравар ошди, 2020 йилда 148 минг тоннага етган. Ўзбекистон бугунги кунда мисдан 2,5 миллиард доллар даромад кўрмоқда. Лекин ундан юқори қўшилган қийматли мақсулотлар тайёрлаш ишлари етарли эмас. Хусусан, миснинг қарийб 60 фоизи хом ашё сифатида экспорт қилинмоқда.

Келгуси беш йилда мис ишлаб чиқариш ҳажминини 400 минг тоннага етказиш орқали мазкур кўрсаткичнинг турдош тармоқлар билан бирга 7-8 миллиард долларга етказиш мумкинлиги Президентимиз томонидан таъкидлаб ўтилган. Шу мақсадда давлатимиз раҳбарининг жорий йил 24 июндаги «Кон-металлургия санаяти ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унда мис санаяти кластери ташкил этилиши белгиланган.

Бунинг учун чет эл тажрибасини чўқур ўрганиш, халқаро компанияни жалб қилган ҳолда, геология ва кон-металлургия соҳасини ривожлантиришда стратегик йўналишларни белгилаш, олий маълумотли муҳандис-технолог ҳамда ишчи мутахассисларни тайёрлаш мақсадида етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш белгиланган бўлган.

Бу борада Президентимизнинг чет давлатларга қилган расмий ташрифлари доирасида фан-таълим, ишлаб чиқариш бўйича ҳамкорликни амалга ошириш юзасидан шартномалар имзоланмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев 16 — 18 декабрда Корея Республикасига қилган ташрифиди Президент Мун Чжэ Ин билан давлатаримиз ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини чўқурлаштириш тўғрисидаги кўшма баёнотини қабул қилдилар.

Бу ҳужжатда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган соғлиқни сақлаш,

Биз ўзимизнинг ишланмаларимиз билан республикамизнинг иқтисодий ривожига муносиб ҳиссамизни қўшаётганимиздан хурсандимиз ва бу борадаги изланишларимизни давом эттираман.

Сойибжон НЕҒМАТОВ,

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети тасарруфидидаги «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси илмий раҳбари, Фанлар академияси академиги, Ўзбекистон Республикаси фан орбоби.

иқтисодиёт ва иқтимоий соҳани ислохот олиш имконини оширмоқда. Мурожаатларнинг жуда катта қисми муайян масалалар бўйича ҳуқуқий ёрдам ёки маслаҳат олиш талаби билан боғлиқ. Бундай талаб мавжуд бўлганда, давлат халқ билан ўзаро алоқа сиегатини янада самарали ва малкалли тарзда қуриши мумкин.

Бундай оммавий виртуал қабулхоналар ҳокимият органларига иқтимоий муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш чораларини қўриш имконини беришмоқда.

**Аркадий Шкляр,
Беларусь касб таълими институтининг умумий ва касб педагогикаси кафедраси профессори:**

— Ўзбекистон билан жуда узоқ йиллик дўстлик алоқамасида Олимпиадасида иштирок этиш учун илк бор Тошкентда бўлиш насиб этган эди. Кейинчалик профессионал фаолиятим давомида мамлакатга яна бир неча бор бориш имкониятига эга бўлдим. Самарқанддаги Амир Темури мақбарасини зиёрат қилишни ҳеч қачон унутмайман.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакатда кенг кўламли ўзгаришларни амалга оширмоқда,

энергетика соҳалари билан бир қаторда нодир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандум ҳам имзоланган қувонарли ҳолдир. Ушбу меморандум санаят материалларидан юқори технологияли мақсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган Ўзбекистонда нодир металллар марказини ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси»ни юритиш, магистр ва доктор даражасига эга муҳандис ҳамда ходимларни халқаро ҳамкорликда тайёрлашни ўз ичига олган.

Президентимизнинг олиб бораётган оқилона сиегати тасдиғи сифатида бизнинг «Фан ва тараққиёт» ДУК корхонамиз ҳам «Комрозит nanoprototechnology» МЧЖ ва «Олмалик КМК» АЖ билан ҳамкорликда нодир металллар ва мис қотишмалари бўйича ҳамда илмий даражаларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш мақсадида бир қанча ишлар олиб боришмоқда.

Олмалик кон-металлургия комбинатини мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таркибига рангли ва нодир металллар бўлган техноген чинкидларни жалб қилиш ва қайта ишлаш технологияси «Олмалик КМК» АЖда жорий этилиши ҳисобида сезиларли иқтисодий самарадорликка эришилган.

Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети тасарруфидидаги «Фан ва тараққиёт» давлат унитар корхонаси олимлари томонидан такомиллаштирилган янги технология бўйича йилгига мис 792,584 тонна, олтин 43,3935 кг. ва кумуш 10915,680 кг. ажратиб олинмоқда.

Техноген чинкид бўлган клинкернинг йиллик қиқисни 85 минг тонна ташкил этишини ҳисобга олганда, 2025 йилга келиб яна бир Ваньюков печи ишга туширилади ва қайта ишлашнинг қўлайлиги ҳисобида 5000 тонна мис, 800 кг. олтин ва 81 тонна кумуш қўшимча ажратиб олиниши режалаштирилган.

Жумладан, яна бир янги ишланма Олмалик кон-металлургия комбинати билан бирга рангли ва қимматбахона металллар, маъданлардан ажратиб олиш жараёнида ишлатиладиган қимматбахона, импорт қилинадиган флотореагент Т-92 нинг аналогини сифатида нисбатан арзон бўлган ПАВ-Комрозит типидидаги КХФ-ВС маркали композицион химийвий флотореагент-вспенниватель яратилди ва бойитиш фабрикасида санаят синовлари ўтказилиб, ижобий натижаларни тасдиқловчи далилатномалар олинди. Яратилган янги КХФ-ВС флотореагентини қўллаб ўтказишга ташриб синовлари натижасида самардорлик тасдиқланди, миснинг қиқисни 77,57 фоиз, молибден 52,41 фоиз ва кумуш 52,41 фоизни ташкил этди

АКАДЕМИК ТЕМУРБЕК УСМОНОВ



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Атоқли физик олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Темурбек Усмонов 79 ёшида вафот этди.

Т. Усмонов 1942 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1967 йили Москва давлат университети тугатиб, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида стажёр-тадқиқотчи сифатида иш бошлади.

У ўзининг қарийб 60 йиллик илмий педагогик ва ташкилотчилик фаолияти давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ядро физикаси институтида катта илмий ходим, Электроника (ҳозирги Ион-плазма ва лазер технологиялари) институти лабораторияси мудири, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги йирик илмий лойиҳалар бўйича эксперт кенгаши раиси, Фанлар академияси Ион-плазма ва лазер технологиялари институти бош илмий ходими ва лаборатория мудири лавозимларида самарали меҳнат қилди.

Академик Т. Усмонов юртимизда лазер физикаси ва технологиялари, нонизикли оптика ва спектроскопия соҳаларининг долзарб масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди. У ўз соҳаси бўйича янги илмий йўналишга асос солиб, дунёда ilk бор қувватли лазер нурунлашларининг энг катта самарадорлиқдаги гармоникалари ва ёруғликнинг энг юқори даражадаги параметрик генерацияларини олишга эришди. Унинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилган лазер комплекслари бугунги кунда амалиётда кенг қўлланилмоқда.

Олим 400 дан ортиқ илмий мақолалар, 4 та монография, 16 та патент муаллифи бўлиб, 150 дан зиёд илмий мақолалари халқаро нуфузли журналларда чоп этилган эди.

Кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган жонқуяр устознинг бевосита раҳбарлигида 5 нафар фан доктори ва 15 дан ортиқ фан номзоди етишиб чиқди.

Т. Усмоновнинг мамлакатимиз илм-фанини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланган эди.

Истеъдодли олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон Темурбек Усмоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБЕКОВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ

АФГОНИСТОНГА НАВБАТДАГИ ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Оғир гуманитар ва озиқ-овқат инқирозининг олдини олиш мақсадида Афғонистон халқига кўмак кўрсатиш чакорувига Ўзбекистон раҳбари биринчилардан бўлиб эътибор қаратгани, бу бегараз ёрдамни кўп миллатли Афғонистон халқи чинакам инсонпарварлик, биродарлик ва яхши қўшничиликнинг чинакам ифодаси сифатида қабул қилиши алоҳида таъкидланди.

Аббос Станикзай афғон халқи Ўзбекистон раҳбарининг биродарлик муносабатини доимо ҳис қилиб келганини, шу боис мамлакатнинг янги ҳокимият идоралари яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун барча имкониятни ишга солишини, шунингдек, ўз худудидан қўшни давлатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳеч қандай таҳдидларга йўл қўйилмаслигини билдирди.

Балх вилояти ҳокими Қудратилла Абу Ҳамза мазкур инсонпарварлик ёрдами учун миннатдорлик билдириб экан, бу янги қиш фаслида афғон халқи учун алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, бу икки биродар халқ ўртасидаги илдизи мустаҳкам тарихий ва маънавий алоқаларнинг яна бир далилидир.

Маросимда сўзга чиққан Афғонистон жамоатчилиги вакиллари, жумладан, этник ўзбекларнинг таниқли арбоблари афғон халқининг ҳақиқий дўсти бўлиши Ўзбекистон халқи ва раҳбарига ҳар қандай оғир ҳамда синовли дамларда тақдир ҳукмига ташлаб қўйилгани ва навбатдаги бегараз ёрдами учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тадбир сўнгида халқимизнинг меҳмондўстлиги рамзи сифатида Ўзбекистонлик ошпазлар томонидан миллий таом — палов тайёрланиб, барча йирилганлар, шунингдек, Афғонистон жамоатчилигига тортиқ қилинди.

«Халқ сўзи».

SAOAT QURILISH BANK

Тадбирда таъкидланганидек, маҳаллий sanoat маҳсулотларининг сифати бозор талабларига мос келиши шарт. Чунки бу унинг харидорлигини, корхонанинг эса барқарорлигини таъминлайди. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июндаги "Худудларнинг sanoat салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида қурилиш материаллари sanoatини ривожлантиришга қаратилган вазифалар қаторида маҳаллий sanoat корхоналари учун профессионал кадрлар тайёрлаш, бунда тренинг дастурларидан кенг фойдала-

Ўзбекистон — Корея Республикаси:

МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК ТАЪЛИМ РАВНАҚИ УЧУН ҚАНОТДИР

Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари ўзига хос тарихий илдизларга эга. Бу икки буюк халқни асрлар, минг йиллар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ўхшаш жиҳатлар кўп. Ҳар бир маданият, қадриятлар ҳамоҳанглиги, айниқса, юксак гуманизм, меҳнатсеварлик, қатъият ҳамда масъулият борасидаги муштараклик ҳар икки халқнинг дўстлик ва ҳамкорлик ришталари ўрнатилиши, қолаверса, янада мустаҳкамланишига асос бўлди.

Акс садо

Шу ўринда таъкидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган оқилона таълим сиёсат тўғрисидаги ҳақорат қилган ҳамкорлик уфқлари кенгайиб, кўплаб мамлакатлар билан боғланган азалӣ ришталар стратегик шериклик даражасига кўтарилди, десак, муболага эмас.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси муносабатларида ҳам давлатларимиз раҳбарларининг доимийлик касб этган мулоқотлари, учрашувлар чоғида эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ўтган беш йил ичида мамлакатимизда Жанубий Корея сармояси киритилган корхоналар сон икки баробар ошгани, ўзаро манфаатли савдо алоқалари мунтазамлик касб этгани ҳам тасдиқлайди.

Айниқса, сўнгги йилларда савдо-иқтисодий, транспорт ҳамда логистика, саноат, машинасозлик ва электротехника каби қатор йўналишлардаги ҳамкорлик янги босқичга чиқди.

Ўз позицияси, ривожланиш тенденциялари, қолаверса, глобал мавзудардаги қарашлари ҳам ўзаро ўхшаш бўлган ўзбек ҳамда корей халқи бугунги кунда барча муҳим соҳаларда — соғлиқни сақлашдан тортиб, мактабгача таълим тизимигача бўлган тармоқ ва йўналишларда тажриба алмашиш, муваффақиятли дўстлик алоқаларини йўлга қўйиш аҳамиятини тўлақонли қўллаб-қувватлаётди.

Олий таълим тизими ўзаро уйғунликда ривож топмоқда

Биз хоҳлаймизми, хоҳламаймизми, барибир таълим тизимини давр талаби даражасига кўтаришимиз шарт. Ёдингида бўлса, Президентимиз таълим тизимини ислоҳ қилиши ҳаёт-мамонт масаласи, деб айтганди. Шу маънода, юртимизда сўнгги йилларда Корея Республикаси миллий таълимнинг дунё тан олган жиҳатлари эътироф этилиши билан бирга, соҳа тараққийидаги хизмат қилувчи принципларидан андоза олишга эришилди.

Хусусан, мамлакатимизда Жанубий Кореянинг қатор олий ўқув юрталари филиаллари очилиб, уларда асосан, машинасозлик, электротехника, компютер ва ахборот технологиялари, архитектура, бухгалтерия сингари йўналтирилган ҳамкорлик билан ҳамда малакага эга кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Таъкидлаш жоизки, 2019 йилда Фарғона вилоятида Ўзбекистон — Жанубий Корея халқаро университетининг ташкил этилиши ҳар икки мам-

лакат ўртасидаги олий таълим тизими уйғунликда равақ топтиришга қаратилган илқ муносабатларнинг амалий ифодаси бўлди.

Бу орқали халқаро талабларга жавоб берадиган малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга эришилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 16 — 18 декабрь кунлари Корея Республикасида давлат таширифи ҳам Ўзбекистон ҳамда ушбу мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётган муносабатларнинг янги даврини бошлаб берган тарихий воқеалик бўлди.

Муҳим келишувлар ижроси мамлакат тараққийини тезлаштиради

Тарихий ташириф чоғида Ўзбекистон — Жанубий Корея муносабатлари, ўзаро манфаатли икки ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари атрафича муҳокама қилинди. Эътиборли жиҳати, ҳар икки давлат раҳбарлари стратегик шериклик муносабатларини чуқурлаштириш тўғрисидаги қўшма баёнотни қабул қилди.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида ҳукуматларaro битим, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги билан 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2022 — 2024 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, шунингдек, энергетика соҳасида ўзаро мулоқот ўрнатиш, "ақлли шаҳар"ларни ривожлантириш, Иқтисодий тараққийига қўмаклашиш, жағирмаси орқали муолялаштириш, ноқир металллар, мис ва уларнинг қотишмаларига оид меморандумлар имзолангани ҳам таширифнинг

моҳияти ва аҳамиятини яққол ифода этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳамда Корея Республикаси Президенти Мун Чжэ Ин ахборот технологиялари, "ақлли" қишлоқ ҳўжалиги соҳаларига оид меморандумлар ҳамда табибий усуналар етказиб бериш тўғрисида муҳим битим ва келишувларга эришилди.

Таширифнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, давлатимиз раҳбари Сеулдаги миллий қабристонга ташириф буюриб, Корея мустақилиги учун курашган ҳамда урушларда ҳалок бўлган инсонлар, мамлакат ривожига катта ҳисса қўшган давлат ва жамоат арбоблари хотирасига эҳтиром кўрсатди. Бу ушбу мамлакатнинг тарихи, миллий қадриятларига ҳурмат ифодасини ҳам акс эттиради.

Давлатимиз раҳбари Сеул шаҳрида Корея Республикасининг етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашувда уларни Ўзбекистонга келиш, ҳоржий инвесторлар учун яратилган қулай шароитлардан фойдаланишга тақлиф этгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу келгусида соҳада катта имкониятлар эшигини очиб берадиган аҳолига қўшма баёнотни қабул қилди. Ҳар томонлама самарали ҳамда муваффақиятли воқеаликларга бой ўтган ташириф юртимиз тараққийини тезлаштиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Янги марраларни забт этиш йўлидаги хайрли қадам

Аждодларимиз ва уларнинг бой илмий-иқодий меросини чуқур ҳурмат қилган ҳолда Президентимиз томонидан бугун дунё мамлакатларининг ривожланиш тенденцияларини ўрганиш, қолаверса, халқаро ивесс-

тицияларни жалб этиш қўламини кенгайтириш мақсадида ҳоржий тилларни пухта ўзлаштирган ёш кадрларни тарбиялаш борасида олдимизга қўйилган вазифалар айнан юқоридаги каби хайрли мақсадларга қаратилган.

Ҳар бир олий таълим муассасаси бу борада ўз позициясини намойён эта олиши керак, албатта.

Шунга мувофиқ, бугунги кунда Фарғона давлат университетига республикада биринчилардан бўлиб, Халқаро тилларни ўқитиш маркази фаолият бошлади. Инглиз, рус, француз, немис, япон ва корей тиллари мукаммал даражада ўқитиладиган ушбу марказ университет профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар учун янги билим уфқларини забт этишига катта замин ҳўзирлапти.

Бу, айни чоғда, халқаро ҳамкорлик муносабатларига муносиб ҳисса қўша оладиган, ҳоржий тилларни пухта эгаллаган ёшларни камолга етказиш йўлидаги хайрли қадамлардандир.

Бугун янги Ўзбекистонни, унинг янги қиёфасини дунё тан олмақда, эътибор этмоқда. Бундан кундан-кунга оқсалиб бораётган халқаро муносабатлар қўламини ҳамда самараси мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шу маънода, Корея Республикаси каби дунёнинг ривожланган давлатлари билан мустаҳкам алоқалар барча соҳа ва тармоқлар қатори миллий таълим, хусусан, олий таълим тараққийига ҳам хизмат қилади. Шундай экан, барчамиз бугунги тарихий жараёнларда фаол ҳамда ташаббускор бўлишимиз шарт.

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ, Фарғона давлат университети ректори, педагогика фанлари доктори, профессор.

Мушоҳада

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ролини янада ошириш, жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Шу сабаб ҳаракатлар боис нафақат қўшниларимиз, балки узоқ-яқин мамлакатлар билан ҳам ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар алоқалар изчил ривож топиб бормоқда.

ПАРЛАМЕНТЛАРГА ЯНГИ САМАРАЛИ МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Президентимизнинг яқинда Корея Республикасига давлат таширифи ҳам шу йўлдаги навбатдаги дадил қадамлардан бири бўлди. Зеро, ушбу таширифини диққат билан кузатган халқаро экспертлар бу Ўзбекистон ҳамда Корея давлатларининг стратегик ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишнинг қайд этмоқда.

Маълумки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Жанубий Корея билан кимё, нефть-кимё, тўқима-чилик, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги бўйича қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келаётди. Ташириф давомида ўзаро манфаатли лойиҳалар салмонини янада кўпайтиришга алоҳида эътибор берилганлиги айни мўддао бўлди. Жумладан, мамлакатимизни Жанубий Корея билан яқин даврга мўлжалланган ҳамкорлигининг шулардан келиб чиқиб, таширик давомида таълим соҳасига оид муҳим масалалар ба-тафсил муҳокама қилинди. Хусусан, Президентимиз томонидан университетлар ўртасидаги инновация ҳамкорлигини ривожлантириш муҳим экани таъкидланди, уларнинг мунтазам мулоқоти учун доимий майдон яратиш, келгуси йилда икки мамлакат олий таълим муассасалари ректорлари форумини ўтказиш тақлифи илгари сурилдики, бу мамлакатимизда таълимчи сифатида янада фаолият қилишга кўтаришда катта ёнгилик бўлади.

Ўз навбатига, давлатимиз раҳбари ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг истиқболли лойиҳа ва дастурларини амалга оширишда парламентларaro мулоқотнинг янги самарали механизмининг жорий қилиниши тақлиф этди. Бу биз, сенаторлардан мамлакатимиз тараққийини йўлида янада фаолият билан меҳнат қилишни талаб этади.

Шухрат ҚўЛЛИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси ўринбосари.

МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ СОҲАСИДА ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНАДИ

Ўзбекистон тараққийининг янги даврида чет элда ишлаётган фуқароларга нисбатан муносабат тубдан ўзгариб, меҳнат мигрантлари билан мулоқот ўрнатилди. Уларнинг муаммо ва эҳтиёжларини ўрганиш ҳамда ҳал қилиш бўйича янги механизмлар жорий қилинди. Аммо шунга қарамай, ташқи меҳнат миграциясида эришилган ютуқлар билан бирга, соҳада айрим муаммолар учраяпти.

Фикр

Биринчидан, ташқи меҳнат миграцияси соҳаси қонуности ҳужжатларидан иборат бўлиб, миллий қонуниликдаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид айрим масалаларни халқаро ҳужжатлар билан уйғунлаштириш зарур.

Иккинчидан, қонунчилик ҳужжатларида ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, ушбу соҳани тартибга солишда иштирок этадиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг вазифалари, ташқи меҳнат миграцияси соҳасида қўлланилиб келинаётган барча тушунчанинг мазмунини ва асосий принциплари белгилаб берилмаган.

Учинчидан, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уюшган ҳолда ишга жойлаштириш, чет элда ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари турли қонунчилик ҳужжатларида акс эттирилган.

Шундан келиб чиқиб, "Ташқи меҳнат миграцияси тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Мазкур ҳужжат Олий Мажлис Қонунчилик палатасида биринчи ўқишда қабул қилинди.

рат ташкилотларининг ваколатлари белгилаб берилмоқда.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш, уларни уюшган ҳолда ишга жойлаштириш ҳамда чет эллик фуқароларни мамлакатимизда меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида жалб қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари ягона ҳужжатда жамланаётди.

Ташқи меҳнат миграцияси жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, меҳнат мигрантларининг ҳисобини юритиш ва ушбу соҳада мониторингни амалга ошириш, ҳорриждан қайтиб келган меҳнат мигрантларини реинтеграция қилиш бўйича меҳнат ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг вазифалари белгилаб берилмоқда.

Умуман, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши орқали ташқи миграцияси соҳасини тартибга солиш қонун даражасида мустаҳкамланди, халқаро ҳужжатлардаги меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларига оид нормалар миллий қонунчиликка имплементация қилинади, уюшган ҳолда ишга жойлаштириладиган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тартиби тизимлаштирилди.

Қонун лойиҳасини тақомиллаштириш ишлари давом этмоқда.

Шерзод ҚўЛМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

хоналарда меҳнат қилаётган муҳандис ва технoлоглар учун дастлабки семинар ўтказилиб, унга кўра, юртимиз тадбиркорларига Туркия Малтене университетининг махсус сертификатлари топширилди.

Хизмат

"ЎзуқурилишматериалЛИТИ" илмий тадқиқот ва инжиниринг маркази билан ҳамкорликда тадбиркорлар ҳамда аҳоли вакиллари учун қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ мавзунларни ўз ичига олган 65 турдаги амалий-услубий қўлланмалар чоп этилиб, барча худудларга кенг тарқатилди.

Тадбирда "Ўзсаноатқурилишбанк" ва "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси ҳамкорлигида "Тадбиркорлар мактаби" ўқув марказининг ташкил этилиши ушбу йўналишдаги ишларнинг яна бир амалий ифодаси эканлиги қайд этилди.

Марказ фаолияти тадбиркорлик субъектлари ва манфаатдор аҳоли

вакиллари қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида бизнесни замонавий асосда ташкил қилишга ўқитиш ҳамда уларга янада кенг имкониятлар яратишга қаратилган.

У ерда машғулотлар замонавий ўқув дастурлари ва янги таълим методлари асосида 4 та модулга ажратилган ҳолда олиб борилади. Бунинг учун ўқув маркази зарур таълим воситалари ва ўқув қуроллари билан таъминланди, етарли адабиётлар фонди шакллантирилди.

Марказда ўқув курслари жами 72 соатга мўлжалланган бўлиб, бир вақтнинг ўзида 40 нафар тингловчани қамраб олиш имкони мавжуд.

Ўқув маркази фаолиятининг йўлга қўйилиши натижасида қурилиш материаллари ишлаб чиқаришида ташаббускор тадбиркорларнинг соҳадаги малака даражаси мунтазам ошириб борилади, илгор архитектура ва дизайнерлик тамойилларига асосланган "келажак материаллари" номенклатураси кенгайтирилиб, ишлаб чиқаришда халқаро стандартлар кенг жорий этилади.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

ИЗЧИЛЛИК ФАЛСАФАСИ

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ — ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БОСҚИЧИ



■ Шаффофлик даври

“Life” журнали ўтган мингйилликдаги энг буюк воқеа-ҳодисаларни санаб ўтар экан, 1450 йилда босма дастгоҳ учун ҳарф тегишга мўлжалланган шрифтнинг ихтиро қилинишини биринчи ўринга қўйди.

Мана, олти аср ҳам ўтди. Ўзгаришларнинг энг ихтиролари эса яна ўша омил — ахборотни узатиш ва сақлашнинг янги воситаси. Бу — рақамлаштириш. Қоғоз ўрнига келган электрон қурилмалар ахборотни узатиш қўламининг кенглиги ва тезлиги жиҳатидан оламшумул аҳамият касб этди.

Ижтимоий фанлар бўйича мутахассислар тасдиқлашча, интернет ҳаётнинг барча жабҳасига кириб бориши тўғрисида бузғун чуқур трансформация жараёниларига гувоҳ бўлялмиш. Бу эса шаффофлик даври бошлангандан дарак берапти, яъни “ҳамма ҳаммани кўриб-билди турибди”.

Илгари бу — юқори идораларнинг хизмат хоналарида ишлаб чиқилиб, кейин қўйишга, яъни ихтироларга туширилган, ундан сўнг эса бутун жамоатчилик сўзсиз амал қилиши шарт бўлган қарорлар эди. Энди эса давлатнинг ахборот устидан тўлиқ яққоқимлиги тугатилиб, жараён бошқача тус олди. Интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳар бир инсонга давлатнинг барча хатти-ҳаракатларини кузатиб боришдек “суперқобилият”ни тақдим этди. Қарангки, энди одамларнинг ўзлари ҳам турлича, яъни юқоридан туширилган қарорга ўхшаш ёки ундан фарқ қилувчи фикр-мулоҳазаларини бемалол тармоқ орқали тарқата оладилар.

...Тарихий фильмлардаги бир манзарани эслайлик: бозорнинг кенг майдони ўртасига жарчи чиқади-да, ўралган қозони ёяди. Кейин оломонга бир назар ташлаб, фармонни банд овозда ўқий бошлади. Ҳамма нафасини ичига ютиб тинглади... Ҳозир-чи? XXI асрнинг учинчи ўн йиллигига келиб шундай тараққиётга эришдикки, миллиардлаб одамлар ўзига хос “карнай”дан фойдаланяпти. Бу “карнай”нинг жарангю кудратидан ўша ўрта асрлардаги жарчи хабар топганида борми, ҳасаддан нақд ўзини йўқотиб қўяр эди.

Ўзгаришларнинг кучли тўлкини, ҳатто азалий қонун-қоидаларни ҳам четлаб ўтмади. “Демократия” тушунчасининг мазмунини шунчалик кенгайтдики, унинг муаллифи Арасту чизиб қўйган доирадан ҳам четга чиқиб кетди. Демократиянинг асосий тамойилларидан бири, яъни бошқарувда эркин муҳокама қилиш ва иштирок этиш — янги коммуникация каналлари одатий ҳолга айлангани сари қундалик ҳаётимизнинг барча соҳасини қамраб ола бошлади. Мурожаат қилиш порталлари орқали одамлар ҳокимият органлари билан тўғридан-тўғри боғланмоқда. Масалан, илгари фуқаролар бюджет маблағларини шакллантириш жараёнида билвосита, яъни парламентдаги вакиллари орқали қатнашган

Ўз телефонингиздаги мессенжер тасмасини айлантириб “варақлаш”нинг ўзи кифоя. Ҳаммаслар билан мулоқотда бўлиш учун битта гуруҳ, қўшнилари учун — битта, қариндошлар учун — яна битта. Оилангизда мактаб ўқувчиси бўлса, ҳар бир синф учун алоҳида гуруҳ. Фарзандлари боғчага қатнайдиганлар-чи? Махсус гуруҳ орқали улар мактабга таълим масканидagi жараёнларни кузатиши, мутасаддилар билан бемалол боғланиши мумкин. Эътиборлиси, бундай гуруҳларда муайян масалани муҳокама этиб, умумий қарорга келиш ва шу асосда ҳаракат қилишга ҳам имконият бор.

Энди масаланинг бошқа томони. Ҳа, электр токи ёруғлик узатади. Аммо у билан нотўғри муносабатда бўлинса-чи, шифохона каравотига ётқизиш қўйиши, ҳатто ўлдириши ҳам мумкин. Худди шу сингари илгор ихтирою кашфиётлар икки томонлама моҳиятга эга. Янги ахборот-коммуникация технологиялари ҳам ўзининг ижобий хусусиятлари билан бир қаторда салбий томонларини кўрсатиб қўйишга улгурди. Тўхтовсиз ахборот оқими турли-туман. Унинг ана шундай ранг-баранглиги кўпинча ўта қизгин баҳсга, ҳатто таҳдидга айланаб кетаяпти. Мунозара “майдони” гўёки “ноҳақ”ларни камситиш қуроли бўлиб қолмоқда. Ав-

гиликка айланиб, нотўғри талқинга олиб келиши ҳеч гап эмас.

■ Танлов имтиёзи

Яқинда қарийб бир юз эллик нафар америкалик олим ва таҳлилчилар очик хат билан чиққиди. Уларнинг ҳавотирлинишича, кейинги қирқ йилда демократик мамлакатлар сони икки баравар кўпайганига қарамай, дунёда эркинлик даражаси пасайиб борапти. Халқаро индекслар матбуот эркинлиги, нодавлат ва халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқлари тобора чекланганини кўрсатмоқда.

Ана шундай янги ҳаётнинг ва хатарлар сиёсий тизимларни синовдан ўтказмоқда. Ҳар бир киши бошқа кишининг сўзлари ва хатти-ҳаракатларини кузата олиши мумкин бўлган замонавий дунёда одамларнинг ишончини қозониш ва сақлаб қолишнинг ягона йўли бор, ҳолос. У ҳам бўлса — самимиётлик.

Яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Президенти сайлови таъсирчан усул намуниши этилганининг наватбадга исботи бўлди. Унда Шавкат Мирзиёев сайловчиларнинг 80,1 фоиздан ортик овозини тўплади. Турли давлатлардаги сиёсатшуносларнинг ақиди фикрига қўра, ҳар қандай сайлов кампаниясида, аввало, сайловчи галаба



валбошдан конструктив бўлган танқид унга турли шарҳлар қўйилгани сари қуруқ тўхматга ўтиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. “Фейк”, яъни тўқима, ёлгон ахборот, шубҳали “экспертлар” ва “башорат”ларнинг фикрлари эса қизиб турган ёғга сув пуркашга олиб келяпти. Давлат қабул қилган қарорларга нисбатан уларда махсус “сценарий” тайёрлаб қўйилган бўлиши ҳам мумкин.

Айни вақтда юзага келган бундай тенденциялар аслида инсон табиатига хос. Яъни бирор янгиликка дам келганимизда, ундан қандай қилиб самимий фойдаланиши дарҳол била олмайти. Қандайдир муддат ўтиб, фойда-зарарини англаймиш.

қозонади. Ўз эътиқодига, чуқур мулоҳазасига асосланган фуқаролик позициясини намоён қилиш — бу инсониятнинг узок давом этган мураккаб тарихига қўлга киритган имтиёздир. 16 миллиондан зиёд ўзбекистонликлар бу имтиёздан фойдаланишни афзал қўришди ва албатта, ютқуқа эришишди — яъни Ватан тақдирини ва келажига масъулият билан ёндашдилар.

Яна очиклик, шаффофлик ҳақида. Бундан аввал Ўзбекистондаги бошқа бирор воқеа хорижий оммавий ахборот воситалари, кузатувчилар, экспертлар ва таҳлилчилар эътиборини шунчалик ўзига тортирмаган эди. Ниҳоят фақат сайловнинг ўзигагина қаратилгани йўқ: кузатув ва



Янги Ўзбекистоннинг илгари сурилган яна бир хусусияти адолат ва қонун устуворлигидир. Қонунни ҳурмат қилиш нафақат барча соҳани ислоҳ қилиш, балки тамаддун ва ўсиш учун асосга эга бўлиш демакдир. Шу боис давлатимиз раҳбари фуқароларда қонунга итоат этиш туйғусини шакллантириш биринчи галдаги вазифа бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Бу йўналишдаги ишларни болалар боғчасидан бошлаш лозимлиги айтилади. Негаки, қонунларнинг “катта” ё “кичиги” бўлмайди, битта қондан бузган киши иккинчисини ҳам бузиши мумкин. Энди бутун жамият миқёсида оладиган иқтисодий, фуқаролар фаровонлиги билан узвий боғлиқ.

вакиллари экани ва у ердаги порахўрлик даражаси бўйича солиштириб кўришибди. Қарангки, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини бузишга расман рўхсат берилган шaroитда бундай ҳолатлар сони ўш мamlakatидagi коррупция кўрсаткичи билан бевосита боғлиқ экан. Бир неча йил ўтиб, шаҳар мэри дипломатлар учун имтиёзини бекор қилгач, қоидабузарликлар камайиб, жарималар 95 фоизга қисқарган.

Соддароқ айтадиган бўлсак, ҳайдовчи машинани қаред, қандай тўхтатиб қўйишга қараб, унинг пора бериш ва олишга муносабати ҳақида ҳулоса қилиш мумкин экан. Ахир қоидаларга риоя қилиш қисман бўла олмайти-да. Қоидаларга ҳурмат ҳайдовчи онгиди шаклланади ва жавобгарликдан қочиб имкони йўқлиги ҳақидаги фикр билан мустаҳкамланади. Шу муаммонинг жиддийлигини, коррупция инсон оёвига қанчалик қаттиқ тушов солишини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Президенти бутун жамиятда, аввало, ёшлар онгиди бу иллатга қарши муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамиятнинг барча куч ҳамда воситаларини сафарбар этиш хал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди.

■ Халқ талабига асосланган ўзгаришлар

Тараққиётимизнинг янги босқичида яна бир объектив зарурат мавжудки, у нафақат ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, балки давлатнинг келажиги билан боғлиқдир. Қонунлар ҳамма ҳурмат қилиши ва риоя этишга интилиши учун давр руҳига мос бўлиши лозим. Бу биринчи галда Асосий Қонун — Конституцияга тегишли.

Замонавий дунёнинг тезкорлиги, шиддати ва долғалилиги, илмий-техник тараққиёт, коронавирус пандемияси каби турлича янги хатарлар бор-йўғи беш-ўн йил аввал қабул қилинган ҳужжатларни ҳам бирпасда эскирган, деб ҳисоблашга мажбур қилмоқда. Давлатимизнинг Асосий Қонуни ўтган мингйиллик охирида ишлаб чиқилиб, қабул қилинган. Ўша даврда ёш мустақил республика олдида умуман бошқача мақсад ва вазифалар турган эди. Ҳа, мустақиллигини сақлаб қолиш мақсади бошқа-ю, 2030 йилга бори аҳоли жон бошига даромадлар кўрсаткичи бўйича ўртадан юқори бўлган давлатлар қаторига кириш мақсади бошқа.

Ишлаб чиқилган тақлифларга биноан, инсон маффаатларини таъминлаш иқтисодий ислохотларнинг асосий мезони, деб эълон қилинади, “Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойили эса конституциявий меъёрга айланади. Асосий Қонунимизга фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси киритилди, унда оила институтини ривожлантириш асослари, аънавий инсоний қадриятлар, миллатлараро тотувлик тамойиллари акс эттирилди. Ўсиб келаётган ёш авлод маффаатлари, ёшлар сиёсати, ҳуқуқлари ва уларни қўллаб-қувватлаш, мактабга таълим ташкилотлари, мактаблар, олий таълим ва илм-фанни ривожлантириш учинчи Ренессанс пойдеворининг асослари сифатида Конституция матнига киритилди.

Шунингдек, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кексаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги моддалар ҳам акс эттирилди. Асосий Қонунимизга айни вақтда ўта долзарб бўлган экология масалаларини тартибга солувчи меъёрлар киритилди.

тар экан, унинг табиий захираларга бойлиги ва маданиятлари турли-туманлигидан ташқари, бу ерда мутаассибликнинг йўқлигини, кўпмиллатли ва кўпконфессияли халқнинг яқдиллигини алоҳида қайд этишди. Албатта, тўрт минг йиллик тарихига эга Европа мамлакатининг вакиллари нима дейишгаётганини яхши биладилар. Тақдирлар ҳам тасдиқлайдики, қайси жамият ўз тарихи, тили, касб-кори, ёши ва дунёқарашига қўра қанчалик турли-туман бўлса, унда келишмовчилик шунчалик паст, яратувчанлик кайфияти эса ўшанча юқори бўлади. Бундай муҳимта илгор гоғлар туғилади, одамлар эса янгиликка ўч бўлиб, технологияларни тез ўзлаштириди, илмий, маданий ва маърифий тараққиёт жадаллашади.

Янги Ўзбекистоннинг илгари сурилган яна бир хусусияти адолат ва қонун устуворлигидир. Қонунни ҳурмат қилиш нафақат барча соҳани ислоҳ қилиш, балки тамаддун ва ўсиш учун асосга эга бўлиш демакдир. Шу боис давлатимиз раҳбари фуқароларда қонунга итоат этиш туйғусини шакллантириш биринчи галдаги вазифа бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Бу йўналишдаги ишларни болалар боғчасидан бошлаш лозимлиги айтилади. Негаки, қонунларнинг “катта” ё “кичиги” бўлмайди, битта қондан бузган киши иккинчисини ҳам бузиши мумкин. Энди бутун жамият миқёсида оладиган бўлсак, ҳуқуқий маданият мамлакатнинг иқтисодий, фуқаролар фаровонлиги билан узвий боғлиқ. Бунга мисол ҳам бор:

Кўплаб халқаро ташкилотларнинг штаб-квартиралари жойлашган Нью-Йоркда узок вақт давомиди дипломатик ташкилотларнинг автомашиналари мумкин бўлмаган жойда тўхтаб турганлиги учун жаримага тортилмаган, яъни уларга жазо қўлланилмаган. Натижада беш йил давомиди 18 миллион долларга тенг бўлган 150 мингтага ақин қоида бузилишлар содир бўлган. Тақдиротчилар ана шу воқеа ва рақам билан қизиқиб қолишди. Маълум бўладики, дипломатлар қоида бузиш масаласини ўзларидан келиб чиққан ҳолда турлича ҳал қилар эканлар. Масалан, Скандинавия давлатларининг вакиллари тақдим этилган имтиёзга қарамай, жарималарни тўлаб боришган. Лотин Америкаси давлатларидан келган дипломатлар эса аксинча, машинани сақлашда ҳатто ўт ўчирувчи ёки тез ёрдам машиналарининг ҳам йўлини тўсиб қўяверилар экан. Олимлар дипломатларнинг қоидабузарликларини улар қайси давлат

■ Самарали ислохотлар мантиғи

Кузатувларга қўра, Ўзбекистон ҳақида ёздадиган ҳаммасларимиз “кўприк” деган ўхшатишга кўп мурожаат қилишди. Мамлакатимизни Фарб ва Шарқ, тамаддулар, қитъалар ўртасидаги, Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ёки трансчегаравий макондаги кўприк, деб аташди. Ҳа, бу образ чиндан ҳам тўғри танланган. Фикрнинг давом эттирган ҳолда, “кўприк” стратегик ва глобал миқёсда нимага асосланиши ҳақида ўйлаб кўрсак.

Кейинги беш йил ичида салмоқдор давлат қурилиши конструкциясига бакуват таянч устунлари қўйилди. Образли қилиб айтсак, бу устунлар бешта — Ҳаракатлар стратегиясидаги йўналишлар сонига тенг. Ўтган давр мобайнида улар ўз зиммаларига юклатилган вазифани, яъни мамлакатни модернизация қилиш, унинг тараққиёти учун шарт-шароитларни яратиш вазифасини бажаришди.

Самарали ислохотларнинг мантиқий мазмуни уларнинг изчиллигини белгилаб беради. Танлаб олинган курсни давом эттириш учун Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди. Келгуси беш йилга мўлжалланган “йўл харитаси” эса энди еттига устунга таянади. Етти рақами жаҳондаги барча маданиятларда алоҳида мазмун-моҳиятга эга. Янги стратегия ҳам айнан шу рақам асос қилиб олинган. Шавкат Мирзиёев яқинда “Егемен Қазақстан” ва “Казахстанская правда” газеталарига берган интервьюсида ушбу стратегияда асосий ўринни Ўзбекистонда эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш асосида миллати, тили ҳамда динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг қонуний маффаатлари ва фаровонлигини таъминловчи халқчил ва инсонпарвар давлат қуриш, қисқача айтганда, “Инсон қадри учун” устувор тамойилни тўла татбиқ этиш бўйича вазифалар эгаллашини айтиб ўтди. Биз бундан бунён ўз фаолиятимизни “Инсон — жамият — давлат” деган янгича тамойил асосида ташкил этишимиз, деди мамлакатимиз раҳбари.

Бу мизани англадими? “Ҳаракатлар стратегиясидан — Тараққиёт стратегияси сари” гоғси илк бор ҳар бир фуқаронинг миллати ва тилидан қатъи назар, унинг маффаатлари ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифасини илгари суради. Бу тезисда чуқур фалсафа мужжасам. У эса тез фурсатда қундалик ҳаётимизда акс этади.

Юқорида айтиб ўтганимиз — италиялик журналистлар ўз мақолаларида Ўзбекистоннинг қадриятлари ҳақида сўз юри-



бўлсалар, эндиликда туман бюджетининг муайян қисми одамларнинг қундалик муаммоларини ҳал этишга йўналтирилмоқда — тагин денг, алоҳида сайт орқали. Ижтимоий тармоқлар ва улардаги шарҳлар эса томонлар ўртасидаги алоқани яна ҳам яқинлаштиради. Норасмий мулоқот канали бўлгани ҳолда, улар ҳокимиятнинг диққатини ўзига тортади ва шундай қилиб, фуқароларнинг фикрлари билан ҳисоблашшга мажбур ҳам қилади.

Бугун биз фойдаланаётган янгича мулоқот усулларини яна узок санаш мумкин.

Масалан, тарихдан маълумки, китоб чоп этиш энди бошланган пайтда Европада кенг омманинг эътиёжига қараб саёз, енгил-елли мазмунли адабиётлар жуда тез тарқалган экан. Ҳозирги вақтда ахборот майдониди юз бераётган ҳодиса ҳам шунга ўхшайди.

Демак, бугунги кун воқелигини тўғри ва батафсил тасаввур қилиш жуда муҳим. Биринчи галда, юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг “мағзини” англаш учун уларнинг атрофини ўраб турган “ахборий доира”га тўғри баҳо бериш керак бўлади. Бу эса ҳар қандай воқеа “узук-юлук” ян-

ўрганишлар жараёнида мамлакатимизнинг ташқи сиёсат майдонидидаги мақомини баҳолашга эътибор берилди. Американинг “Forbes” журнали “Ўзбекистондаги сайловлар жаҳонга таъсир кўрсатади”, деб қайд этган бўлса, Италиянинг “Nuovo Mondo Esopolmico” нашири “Ўзбекистондаги сайловлар Европа ва глобал геосиёсий миқёсда муҳим роль ўйнайди”, дея эътироф этди.

Бу ҳулосаларда кейинги беш йилда амалга оширилган жадал ислохотларнинг натижалари ҳисобга олинган. Мазкур нашрлар томонидан Ўзбекистонда айни

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1248. 28 151 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг:

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ТАҲРИРИЯТГА КЕЛГАН ҚЎСМАЗЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг оқсиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳақда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Қаримов.
Мусаҳҳир — С. Исмолов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 21.25 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6

Ўткир РАҲМАТ.